

Journal of Natural Science

*No1 (6)
2022*

<http://natscience.jspi.uz>



<u>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ</u>	<u>ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u>
<p>Бош муҳаррир – У.О.Худанов т.ф.н., доц.</p> <p>Бош муҳаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова, PhD, доц.</p> <p>Масъул котиб- Д.К.Мурадова</p>	<ol style="list-style-type: none">1. Худанов У.О. – ЖДПИ Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.2. Шилова О.А.-д.х.н., профессор Института химии силикатов им. И.В. Гребенщикова Российской академии наук (ИХС РАН)3. Маркевич М.И.-ф.ф.д. проф Белорусия ФА4. Elbert de Josselin de Jong- профессор, Niderlandiya5. Кодиров Т- ТТЕСИ к.ф.д, профессор6. Абдурахмонов Э – СамДУ к.ф.д., профессор7. Насимов А– СамДУ к.ф.д., профессор8. Сманова З.А,-ЎзМУ к.ф.д., профессор9. Султонов М-ЖДПИ к.ф.д,доц10. Яхшиева З- ЖДПИ к.ф.д, проф.в.б.11. Рахмонкулов У- ЖДПИ б.ф.д., проф.12. Мавлонов Х- ЖДПИ б.ф.д., проф13. Муродов К-СамДУ к.ф.н., доц.14. Абдурахмонов Ғ- ЎзМУ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц15. Хакимов К – ЖДПИ г.ф.н., доц.16. Азимова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология бўйича) (PhD), доц17. Юнусова Зебо – ЖДПИ к.ф.н., доц.18. Гудалов М- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)19. Мухаммедов О- ЖДПИ г.ф.н., доц20. Хамраева Н- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)21. Рашидова К- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц22. Муминова Н-к.ф.н., доц23. Мурадова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц24. Инатова М- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD)
<p>Муассис-Жиззах давлат педагогика институти</p>	
<p>Журнал 4 марта чиқарилади (ҳар чоракда)</p>	
<p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p>	
<p>Журналдан кўчириб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p>	

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Science-электрон журнали

[/http://www.natscience.jspi.uz](http://www.natscience.jspi.uz)

**КОВРАК (FERULA L) ТУРКУМИ ТУРЛАРИНИНГ АЖОЙИБ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Эсанкулова Д.С¹., Уралова Г.Б².,

¹Жиззах давлат педагогика институти

Desankulova5@gmail.com

² Жиззах давлат педагогика институти Биология йўналиши талабаси

Uralovagulshoda2717@gmail.com

Аннотация. Коврак (Ferula L) туркуми турлари зирадошлар оиласи вакиллари ичида кенг тарқалган туркумдир, ўсимликларининг баъзи турлари биологик фаол моддалар сақлаши билан, улардан тиббиётда, озик-овқат саноатида, ва чорвачиликда қўлланиладиган препаратлар яратилмоқда. Бундан ташқари яна лак –бўёқ саноатида ҳам жуда кенг ишлатилади. Коврак ўсимлиги зиравор модда сифатида ҳам қўлланилади. Ўсимлик илдизидан олинадиган смола настойка, эмульсия холида ўта чарчаш (истериянинг) олдини олишда, ел хайдовчи, балғам кўчирувчи, восита сифатида қўлланилади.

Annotation. Kovrak (Ferula L) is a widespread species in the genus Ferrala, with some species of plants retaining biologically active substances that are used in medicine, food industry, and animal husbandry. In addition, it is widely used in the paint industry. Kovrak plant is also used as a spice. Resin tincture from the roots of the plant is used as an emulsifier, expectorant, in the prevention of extreme fatigue (hysteria) in the form of an emulsion.

Аннотация. Коврак (Ferula L) - широко распространенный вид рода Феррала, причем некоторые виды растений сохраняют биологически активные вещества, которые используются в медицине, пищевой промышленности и животноводстве. Кроме того, он широко используется в лакокрасочной промышленности. Растение Коврак также используется в качестве пряности. Настойка смолы из корней растения используется в качестве эмульгатора, отхаркивающего средства, при профилактике крайней усталости (истерии) в виде эмульсии.

Таянч сўзлар. Смола, биологик фаол модда, препарат, саноат, зиравор модда, истерия, эндоген, экзоген, озикабоп.

Ранг баранг ўсимликлар оламида инсонлар эҳтиёжи учун ва тирик организмлар учун зарур бўлган фаол моддалар сақловчи, улардан тиббиётда фойдаланиш, озик-овқат саноатида ва чорвачиликда қўлланиладиган препаратлар сақловчи жуда кўп ўсимликларни бирма-бир санаб ўтишимиз мумкин. Бу ўсимликлар орқали баъзи биологик фаол моддаларни яратиш мумкин. Бизга маълумки, Коврак (Ferula L) туркуми турлари зирадошлар оиласи вакиллари ичида кенг тарқалган туркумдир. Коврак (Ferula L) туркуми

шифобахш яъни доривор, ем-хашак, озикабоп ва асалчил ўсимликлар каторига киради. Коврак (*Ferula L*) туркум турлари доимий равишда смола ва эфир мойларини сақлайди. Коврак ўсимликларининг баъзи турлари биологик фаол моддалар сақлаши билан, улардан тиббиётда, озиқ-овқат саноатида, ва чорвачиликда қўлланиладиган препоратлар яратилмоқда. Бундан ташқари яна лак –бўёқ саноатида ҳам жуда кенг ишлатилади. Коврак ўсимлиги зиравор модда сифатида ҳам қўлланилади. Ўсимлик илдизидан олинадиган смола настойка, эмульсия холида ўта чарчаш (истериянинг) олдини олишда, бундан ташқари, ел хайдовчи, балғам кўчирувчи, восита сифатида қўлланилади. Ушбу мақсадда Эрон ва Хиндистонда *F.alliacea* ва *F.narthex* ўсимлик турларидан, Ўрта Осиёда эса *F. foetida* турларидан жуда фойдали препоратлар яратилган. Бу ўсимликлардан озиқ-овқат махсулотларига хушбўй там берувчи моддалар ҳам олинади.

Ўсимликлар оламидаги энг кўп тарқалган эфир мойларини ишлаб чиқарувчи ва сақловчи органлари мавжуд ўсимликлар, асосан икки гуруҳга бўлинади:

1. Сиртки-экзоген органлар ўсимликлар сиртида бўлиб, эпидермал тўқима устига жойлашган.

2. Ички –эндоген органлар эпидермал тўқималар остида жойлашган.

Ўсимликларда экзоген мойлар ишлаб чиқарувчи органларга газсимон доғлар, безли туклар ва махсус безлар киради. Одатда безли доғлар ўсимликларнинг гуллари гултожибаргида жойлашган бўлиб, оз миқдорда мой беради. Айрим холларда ўсимликларни барг, поя ва гулкўрғонларида жойлашган тукчалар мойлар ишлаб чиқаради ва улар эфир мойлари хосил қилувчи тукчалар деб аталади. Эндоген эфир мойлар ажратувчи ва тўпловчи органлар каналчалар, мой йўллари, илдиз ва илдиз поянинг эпидермик ёки пўкак тўқималари остида бир ёки бир неча қатор бўлиб жойлашган хужайралардан иборат бўлади.

Эфир мойини сақловчи доривор ўсимликлар ва махсулотлар таркибидаги мойни асосий қисмини кимёвий тузилишига қараб олти гуруҳга бўлинади.

1. Таркибида ациклик (озик занжирли) монотерпенли бўлган эфир мойлар ва ўсимликлар. Жумладан, зирадошлар оиласига мансуб бўлган экма кашнич (*Loriandrum sativum*) ни уруғидан 0,7-1,5 фоиз эфир мойи, 10-20 фоиз ёғ, 11-17 фоиз оқсил ва бошқа моддалар борлиги аниқланган. Мой таркабида 60-80 фоиз линалоол, 5 фоиз гераниол ва оз миқдорда борнеол, турли альдегидлар, терпенлар аралашмаси учрайди. Эфир мойи антисептик оғриқ қолдирувчи, ўт хайдовчи ҳамда бавосилга қарши ишлатилади. Шунингдек фармацевтикада дорилар таъмини яхшилашда қўлланилади.

2. Таркибида моноциклик монотерпенлар бўлган эфир мойлар ва ўсимликлар. Бундай эфир мойлари сақловчи ўсимликлардан бири бу Оддий қоразира (*Iarum*

larvi L.). Зирадошлар оиласидан меваси яъни уруғи таркибида 3-7 фоиз эфир мойи, 12-22фоиз ёғ, 20-23фоиз оксиллар, флованоидлар (кверцетин ва кемпферол) ҳамда ошловчи моддалар сақлайди.

Қоразира мевасидан олинган препорат ичак атомиясини даволашда, оғрик қолдирувчи, овқат ҳазмини яхшиловчи, бошқа ўсимликлар билан қўшиб сийдик ва ел ҳайдовчи, тиш оғриғида, бадан териларини яллиғланишида қўлланилади.

3.Таркибида бициклик монотерпенлар бўлган эфир мойлари ва ўсимликлар.

4.Таркибида ароматик монотерпенлар бўлган эфир мойлари ва ўсимликлар.

Аниссимон (оддий) арпабодиён (*Pimpinella anisum* L.) Зирадошлар оиласига мансуб. Мевасини таркибида 1,2-3,2 фоиз (баъзан 6 фоизгача) эфир мойи 8-28,4 ёғ ва оксил моддалар сақлайди. Арпабодиён меваси препоратлари ва мойи тиббиётда бронхит касаллигида балғам кўчирувчи, ичак фаолиятини яхшиловчи, ел ҳайдовчи, дори-дармонларни мазасини яхшилаш ишларида қўлланилади. Олинган эфир мойлари совун пиширишда, озиқ-овқат саноатида ва анетол моддаси парфюмерияда қўлланилади.

5.Таркибида ациклик (озиқ занжирли)сескитерпенлар бўлган эфир мойлари ва ўсимликлари .

6.Таркибида сесквитерпенлар бўлган эфир мойлар ва ўсимликлар.

Хулоса урнида шуни айтишимиз мумкинки, эфир мойларини ҳамма кимёвий тузилишларига мос келадиган мойлар зирадошлар оиласига мансуб бўлган туркум ва турларда учрайди. Эфир мойлари олишда бу оила вакилларининг устунлиги шундаки, улар бир, икки ва кўп йиллик ўт ўсимликлари бўлиб, уларни маданий ва ёввойи турлари ҳам учрайди.

Ферулалар туркумига мансуб турлар янада ахамиятли бўлиб, уларни маданийлаштириш устида иш олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

1.Раҳманкулов У., Мелибаев С. Некоторые особенности среднеазиатских видов рода *Ferula* L. // Биологические особенности и распространение перспективных лекарственных растений. – Ташкент: Фан, 1981. – С. 31-61.

2.Курмуков А.Г., Ахмедходжаева Х.С. Эстрогенные лекарственные препараты из растений рода ферул. – Ташкент. 1994. 63-с.

3.Раҳманкулов У., Мелибаев С., Саидходжаев А.И. Среднеазиатские виды рода *Ferula* L. Источник сесквитерпеновых производных // Биологическое особенности и распространение перспективных лекарственных растений. – Ташкент: Фан, 1981

4.Коровин Е.П. Сем. Зонтичные // Флора Узбекской ССР. –Ташкент. 1959. Т.

5. Раҳмонкулов У., Авалбоев О. Ўзбекистон ковраклари. -Тошкент. “Фан ва технология”, 2016. 244-бет.

6. Aholi farovonligini yuksaltirish yo'llari (Bosh maqola). Xalq so'zi gazetasi, 2018 yil, 30 yanvar.

7. Z Yangiboeva, Z. A., O'Anorboyev, J., & Xudoyberdiyeva, L. E. (2021). Ferula I. Turkumining ajoyib xususiyatlari. *Журнал естественных наук*, 2(1).

8. www.tdpu.uz

9. www.inter-pedagogika.ru: